# ДЎСТЛИК, ҲАМКОРЛИК — ҲАЁТИМИЗНИНГ ТАМАЛ ТОШИДИР

(Боши 1-бетда)

Шунингдек, йиғилишда 1994 йил 8 июлда қабул қилинган Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банкини таъсис этиш тўғрисидаги битимга ўзгартишлар киритилди. Президент Ислом Каримов таклифига кўра, ҳар бир давлат банкнинг низом фондига 1 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратишига қарор қилинди. Шунингдек, БМТ ҳомийлигида уч давлат тинчлик ўрнатувчи қўшма батальонининг кўпмиллатли кучлар иштирокида ўтказиладиган машқларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, чегара ҳудудларида махсус иқтисодий зоналар ташкил этиш, давлатлараро кенгаш ва унинг институтларида раислик қилиш муддатлари, «Марказий Осиё: интеграция муаммолари» журнали бош муҳаррири тўғрисидаги масалалар ҳам муҳокама этилди.

Президентлар шу куни муҳокама этилган масалалар юзасидан қабул қилинган ҳужжатларни имзоладилар.

Шу кунларда Қозоғистонда атоқли оқин Жамбул таваллудининг 150 йиллиги кенг нишонланмоқда.

Президентлар — И. Каримов, А. Акаев, И. Раҳмонов Алматидаги Жамбул ҳайкали пойига гуллар қўйиб, ҳурмат бажо этдилар. Алматидаги республика саройи Марказий Осиё, МДҲ давлатлари ва хорижий мамлакатлардан келган меҳмонлар, маданият ва санъат арбоблари, адабиёт мухлислари билан гавжум бўлди. Бу ерда мазкур санага бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Қозоғистон Республикаси Президенти Н. Назарбоев Жамбулнинг ҳаёт йўли ва ижодий фаолияти тўғрисида маъруза қилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Қадимдан улуғ халқ яшайдиган муътабар заминда буюк ўғлонлар туғилади деган нақл бор, деди Ислом Каримов. Бугун биз шонли тўйини нишонлаётган атоқли шоир Жамбул ҳам ана шундай ўғлонлар сирасига киради. У қозоқ халқини, унинг қадриятларини улуғлаш билан бир қаторда бутун Марказий Осиё, бутун Туркистон халқлари, улар ўртасидаги тарихий дўстликни куйлади, таъбир жоиз бўлса, бошига кўтарди:

Таянчим — дўстларимнинг дийдоридир,

Ҳаётнинг лаззати шу дейди юрак.

Шул юрак: «эл бойлиги дейди — бирлик»

Бирликсиз бўлармикан ҳеч тириклик.

Шоирнинг бу сатрларини мен нафақат қозоқ элининг бирлиги, тинчлиги, балки бутун туркий халқларнинг қардошлиги, дўстлиги ҳақида деб тушунаман. Жамбулнинг буюклиги яна шундаки, у аввало шу заминда яшаётган оддий одамларни, уларнинг юрагидаги орзу-умидларни, эркка, ўз ватанларини озод ва обод кўришга бўлган интилишни теран ҳис этган ва шунга чорлаган, деди Ислом Каримов. Яна бир бор айтмоқчиманки, дунёда қозоқнинг ўзбекдек, ўзбекнинг қозоқдек дўсти йўқ ва бўлмайди ҳам. Бу ҳақиқатни қадим-қадимдан давом этиб келаётган умумий тарихимиз, кўп синовлардан ўтган, биргаликда ва иноқликда кечирган ҳаётимизнинг ўзи аллақачон исботлаб берган. Уйлайманки, бу ҳақиқатни ҳар бир ўзбек ва қозоқ фарзанди яхши билади ва теран ҳис этади. Зеро, бизнинг дардимиз ва қувончимиз, тарихимизу келажагимиз, динимиз тилимиз, бозоримизу мозоримиз бир. Керак бўлса, икки халқ манфаатига бирдек жавоб берадиган орзу-умидларимиз ҳам бир.

Қозоқнинг танига битта тикан кирса, албатта ўзбекнинг жони оғрийди. Ўзбек бошига кулфат тушса, «Бовурим», «Ўзбек — ўз оғам» деб, биринчи бўлиб қозоқ етиб келади. Оллоҳимизга минг шукроналар бўлсинки, бизни қўшни қилиб, ёмон кўзлардан асраб, дўстлигимизни абадул-абад қилиб яратди.

Сиз билан бизнинг мустақиллигимизга эндигина беш йил тўляпти. Лекин шу қисқа даврда сиз билан биз кўп нарсани тушундик, дўсту нодўстни танидик, кўп нарсага кўзимиз очилди. Муҳими, ўзимиз хоҳлагандек, ўз қўлимиз билан қураётган янги ҳаётимизнинг тамал тоши бузилмас дўстлигимиз эканини яхши англаб етдик, деди Ислом Каримов.

Буюк аждодларимизни эсласак, Аҳмад Яссавий ва Термизий, Фаробий ва Хоразмий, Навоий ва Абай, Жамбул ва Фозил Йўлдош ўғли, Ғафур Ғулом ва Собит Муқонов, Ойбек ва Мухтор Авезов, Файзулла Хўжаев ва Турор Рисқулов номлари ва сиймолари қалбларимизни ғурур ва ифтихор билан тўлдиради. Мана шу улуғ аждодларимизни бошимизга кўтариб ардоқласак, уларнинг мероси ва насиҳатларига муносиб бўлсак, энг эзгу орзу-мақсадларимизга етишамиз, иншооллоҳ.

Бизнинг тўю тантаналаримиз бир-биримизсиз ўтмайди. Шу маънода, биз яқинда Тошкентда биринчилардан бўлиб Жамбулнинг 150 йиллигини яқин-йироқдан келган дўстларимиз, энг аввало қозоқ биродарларимиз билан бирга нишонладик. Ҳадемай, Туркистон халқлари донгини дунёга таратган баҳодир ва улуғ саркарда, буюк зот соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг 660 йиллик тўйларини сизлар билан биргаликда нишонлаймиз.

Бизнинг, ўзбек халқининг энг катта орзу-умиди келажакни Туркистон халқлари билан бирга, аввало, бизга энг яқин бўлмиш қозоқ халқи билан бирга қуриш, барпо этиш, фарзандларимиз бахтини кўриш, тўю томошаларни биргаликда ўтказишдир.

Шу ўринда Жамбул Жабаевнинг қуйидаги сатрларини эслаш ўринлидир:

*Одамийлик, ботирлик,*
*эрликни куйла,*
*Эр қадрини оширган*
*бирликни куйла!*

Йиғилганларнинг қизғин олқишлари остида Президент Ислом Каримов Жамбул сиймоси туширилган совғаларни топширди.

Тантанали йиғилишда сўзга чиққан Қирғизистон Президенти А. Акаев, Тожикистон Президенти И. Раҳмонов, МДҲ ва хорижий давлатлардан келган делегациялар вакиллари қозоқ халқини атоқли шоир юбилейи билан қизғин қутладилар. Тантанали йиғилиш санъат усталарининг катта концерти билан якунланди.

Ислом Каримовнинг Алмати сафарида унга Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, матбуот котиби М. Муҳаммад Дуст ва бошқа кишилар ҳамроҳлик қилди.

**Аҳмад ХЎЖА,**
**УзА махсус мухбири.**
**Тошкент-Алмати-Тошкент.**

*Эътироф*

# ҲАМКОРЛИК САРИ

**Суҳбатдошимиз Исроил давлатининг Ўзбекистондаги муваққат ишлар Вакили Эдуард ШАПИРО**



***— Шу кунга қадар Ўзбекистон ва Исроил ўртасидаги сиёсий, иқтисодий соҳалардаги алоқаларни ривожлантириш учун қандай тадбирлар амалга оширилди?***

— Ўзбекистон Республикаси билан Исроил давлати ўртасидаги дипломатик муносабатлар Ўзбекистон мустақилликка эришгач, йўлга қўйилган эди. 1992 йил баҳоридан Тошкентда Исроил элчихонаси Исроилда эса Ўзбекистоннинг консуллиги очилди.

Айниқса, 1994 йилда Исроил ташқи ишлар вазирининг Ўзбекистонга ташрифи алоқаларимизни тараққий эттиришга қилган яна бир қадам бўлди. Туризмни ривожлантириш, инвестицияларни республикангиз иқтисодиётига олиб кириш ва уни икки томонлама муҳофазалаш ҳамда авиатранспорт бўйича шартномалар имзоланди.

Сизга маълум, Исроилда турли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва юксак технологиялар бўйича катта имкониятлар мавжуд ва Исроил янги бозорларга жумладан, Марказий Осиё бозорига чиқишга интилмоқда. Ўзбекистон эса юксак интеллектуал имкониятларга, ҳамда табиий ресурсларга эга мамлакат. Шу боис, икки томонлама алоқалардан мамлакатларимиз ҳам манфаатдордир.

***— Шу ўринда қўшма корхоналар ташкил этиш масаласига тўхталиб ўтсангиз?***

— Албатта, бугунги кунда Исроилнинг тадбиркорлари, хусусий компаниялари мамлакатимизда фаолият кўрсатишга интилмоқдалар. «Нетафим», «Мод», «Тадирин», «Элит» ва бошқа шулар каби йирик фирмалар Ўзбекистонда муваффақиятли фаолият кўрсатмоқдалар.

Бугунги кунда мамлакатлараро молайирбошлаш ҳам йилига 20 миллион долларни ташкил қилмоқда. Иқтисодий барқарорлашиш инфляция даражасининг пасайиши, миллий валютангизнинг қадрлашиши жараёнлари Ўзбекистон бозорига кўплаб чет эл сармоядорларининг қизиқишини уйғотмоқда.

***— Ўзбекистонда элчихона томонидан қандай тадбирлар амалга оширилмоқда ва келгуси режаларингиз билан ўртоқлашсангиз?***

— Аввало, элчихона қошида ташкил этилган «МАШАВ» халқаро алоқалар маркази фаолиятига тўхталиб ўтсам. Аслида ушбу марказ Исроил ташқи ишлар вазирлиги қошида ташкил этилган бўлиб, унинг бўлинмаси элчихонамиз қошида иш юритмоқда. Ушбу марказ қишлоқ хўжалиги, медицина ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида турли хил курслар ташкил этмоқда. Марказ ёрдамида икки юздан ортиқ ўзбекистонлик мутахассислар Исроилда ўз малакаларини ошириб келишди. Лекин, бу «МАШАВ» фаолиятининг бир томонидир. Марказ Ноу-Хау усулида экспорт бўйича ҳам турли ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, Тошкент вилоятининг «Аҳмад Яссавий» жамоа хўжалигида янги лойиҳа асосида сабзавот етиштириш бўйича ишлар олиб бордик. Унда Исроилнинг илғор технологияларидан фойдаланилди. Шу вилоятнинг «Оққўрғон» хўжалигида эса икки йилдан буён Исроил технологияси асосида сут ишлаб чиқариш бўйича кичик корхона фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, бу ерда хусусий оилавий фермерлик усулини йўлга қўйдик. Уйлайманки, ушбу ишлар Ўзбекистонда хусусий фермерчиликни ривожлантиришга ёрдам беради.

***— Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллик йўлини қандай изоҳлайсиз?***

— Ўзбекистоннинг 5 йиллик мустақиллик йўли самарали ўтди десак муболаға бўлмас. Айниқса, макроиқтисодий усулда Ўзбекистон ўз иқтисодиётини ривожлантирди.

***— 1 сентябрь кунини қандай ўтказмоқчисиз?***

— Албатта, Тошкентда мустақиллик байрамида иштирок этаман. Бу менинг учинчи бор республикангиз мустақиллик кунини Тошкентда кутиб олишим бўлади. Шу фурсатдан фойдаланиб, халқингизга тинчлик, осойишталик ва бахт тилаб қоламан. Ишонаманки, мамлакатингиз янги асрда юксак ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олади.

***— Ўзбекистон ҳақида исроилликлар нима билишади?***

— Узингизга маълум, Исроил аҳолисининг кўплаб қисми Ўзбекистондан кўчиб кетган аҳолидир. Биз ҳеч қачон ўзбекистонликларнинг иккинчи жаҳон уруши даврида кўплаб яҳудийларга ёрдам берганликларини унутмаймиз. Бизнинг мамлакатда Ўзбекистоннинг Бухоро, Хива, Самарқанд шаҳарлари жуда машҳур. Исроилликлар Амир Темур ва Улуғбек ҳақида ва умуман аждодларингиз ҳақида кўплаб маълумотларга эга.

**Қалдирғоч МАМБЕТОВА.**

# «КОМИССАР КАТТАНИ» ВА «ОРОЛ БОЛАЛАРИ»

*Италиядаги «РАИ» киностудияси ўзининг «Спрут» саргузаштли фильми билан бутун жаҳон афкор оммасига маълум. Яқинда мазкур киностудия вакиллари «Орол ҳалокати-болалар нигоҳида» ҳужжатли фильмини тасвирга тушириш мақсадида Қорақалпоғистонда бўлишди.*

*Итальян кинематографчиларининг ташрифи Қорақалпоғистондаги «Перзент» («Фарзанд») жамоатчилик маркази, марказ раҳбари, профессор Ўролой Атаниёзованинг саъй-ҳаракати маҳсулидир.*

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Туркистон» мухбири.**

*Ўзбекистон — Ватаним маним*

# АЙЁМ АРАФАСИДАГИ ЎЙЛАР

Республикамиз Мустақилликка эришганига ҳам беш йил бўлибди. Яқинда бу санани юксак тантана билан нишонлаймиз. Бунга айни пайтда тайёргарликлар қизғин кетмоқда. Мамлакатимизнинг қайси бир шаҳрида маданий-маиший бинолар, қайси бир ерида заводлар шу қутлуғ кунга қуриб битказилиши кутилмоқда. Сайилгоҳлар, дам олиш масканлари мутасаддилари ҳам ажойиб тадбирларни режалаштиришган. Ватанимиз фуқаролари ҳам... Келинг, яхшиси беш йиллик тўй арафасидаги уларнинг ўй-фикрлари билан яқиндан танишинг.

**Борис ПАК, ўқитувчи:**

— Мен институтда ўқиб юрган кезларим бир домламиз шундай деганди: «Тарихни қанчалик бўяб-бежаманг, барибир у асл ҳолича қолади. Аксинча уни турли хил йўсинда талқин этувчилар келажак авлод кўз ўнгида шарманда ҳолда намоён бўладилар». Мана орадан ўнлаб йиллар ўтди. Ўша устозимизнинг сўзлари ҳақ чиқди. Мустабид тузум парчаланиб, ҳар бир миллат ўз эркини топди, ўзлигини таниди. Мен тарихчи сифатида шуни айтиб ўтишни истардимки, ўзбек халқи улуғ халқ. Бу халқ аждодларининг ўтмишдаги маънавий ва меъморий обидалари билан ҳам улуғ. Аминманки, бугунги авлод ҳам ота-боболари кўтарган туғни янада баландроқ кўтаришга қодирлар. Менимча, бу кунлар яқин. Бу сўзларни тўлиқ ишонч билан айтишимнинг боиси, айни кунда республикада олиб борилаётган туб ислоҳотлардир. Мен шундай улуғ халқ билан ҳамнафас яшаётганлигимдан фахрланаман.

**Жонгелди МАҲМУДОВ, ишчи:**

— Бошқаларни билмадиму мустақилликни мен ҳар қадамда ҳис қиламан. Айниқса, байрам арафасида кўчаларда илинган давлатимиз байроғини кўрганимда ўзгача ғурурга бериламан. Республикамиз фуқароларининг ташқи ҳаёти ва онгидаги ўзгаришларни кўраман. Бу албатта мустақиллик натижаси.

Яқинлашиб келаётган 1 сентябрни бизнинг корхона ишчилари ҳам ўзига хос тайёргарлик, тўёна билан қарши олишмоқда. Пойтахтимизда янги бир маданий иншоотни шу кунларда фойдаланишга топширмоқчимиз.

Шукрки, дунёни иккига бўлиб юборган, ўнлаб халқларни тубсиз жарлик ёқасига олиб борган коммунистик партия барҳам топди. Ўзи қазиган чоҳга ўзи йиқилди. Ҳақиқат эгилади, букилади, лекин синмайди, деганлари шу бўлса керак-да. Мана беш йилдирки, халқимиз ўз тақдирини ўзи белгилайди. Ўзбекистон — ўзбек деган бир буюк миллат борлигини бутун жаҳон тан олмоқда. Юқорида айтганимиздек мустақиллик миллатнинг ким эканлигини, нималарга қодир эканлигини кўрсатиб беради. Агар ўзимдан қиёс олиб айтадиган бўлсам, бугун ҳар бир ўзбекнинг, нафақат ўзбекларнинг шу ватаннинг ҳар бир фуқаросини қалби фахр ва ғурур билан тўлиқ.

**Вера Смирнова, шифокор:**

— Ўзбек бўлмасамда Ўзбекистонсиз ўзимни ҳеч қаерда тасаввур қила олмайман. Ота-онам ҳам шу ерда туғилиб ўсишган. Ватан деб таниган жойим Ўзбекистон, Тошкент.

Мана беш йилдирки республикамиз ўзининг ҳақиқий демократик йўлидан ривожланиб бормоқда. Мени ҳамиша ўзбеклардаги меҳмондўстлик, саховатлилик ва диёнатлилик ҳислатлари ҳайратга солиб келади. Барчамиз бошимиздан кечирган даҳшатли тузум оқибатида кўпгина маданий меросий қадриятлар, урф-одатлар йўқолиб кетганлиги ҳақида кўп гапирилди. Аммо, менимча, бундай ноёб фазилатларга эга бўлган халқни, ҳатто шундай қатоғон тузум ҳам енга олмаган. Ўзбеклар қандай тазйиқ остида яшамасинлар ҳамиша ўзлигини сақлаб кела олган халқ, деб биламан.

Мана бугун Ватанимизнинг беш йиллигини нишонлашга ҳам саноқли кунлар қолмоқда. Эътибор берган бўлсангиз барчада, хоҳ у ўзбек, рус, қозоқ, тожик қандай миллат бўлишидан қатъи назар ана шу улуғ айёмнинг руҳи сезилиб турибди. Бошқа миллат вакиллари ҳам ўзбеклар каби Ўзбекистоннинг ривожланиши, унинг порлоқ келажаги учун ўзларидаги бутун куч-қувватни унга бахшида этишни шарафли бурч, деб биладилар.

**Хушвақт ота БЕРДИЕВ, нафақахўр, Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳридан.** (Ота абитуриент невараларини аҳволидан хабар олгани келганлар, у кишининг илтимосларига биноан юқоридаги иловани қўшиб қўйдик).

— Бизнинг авлод, ўз даврини билиб-билмай яшаб ўтди. Бугунга келиб эса барча нарсалар ўз ўрнини топиб, ҳақиқий озод Ватан, миллат қайтадан тикланмоқда. Тўғриси Тошкентдаги ўзгаришларни кўриб ҳайратдан бошим қотди. Ҳақиқий Боғи Эрамдаги эртакона шаҳарни эслатади. Ҳаммаёқ саранжом-саришта, салқин. Айниқса Темур бобомизга атаб қурилган музейни кўриб, бошим осмонга етди. Унинг бобомизни ўзи қурдирган иморатлардан ҳеч қаери кам эмас. Ушандай салобатли, ўшалардай кўркам. Буларни кўриб тангрига шукрлар айтиб, мустақил Ўзбекистонимизнинг доно раҳбарларига тасанно айтгинг келади.

— Иншоолло, биз кўрмаган нарсаларимизни фарзандларимиз, невараларимиз кўради. Шунисига ҳам шукр. Байрам олдидан барчага соғлик омонлик, тилайман. Кундан-кун чирой очиб бораётган Ватанимизнинг келажаги янада порлоқ ва буюк бўлаверсин!

**Суҳбатдош А. БОБОЕВ.**

*Яхшиликда ҳикмат кўп*

# САВОБ КУНДА КЕРАК

Пайғамбаримиз ҳадисларидан бирида шундай лутф қилинади: «Хизматчиларга яхши муомалада бўлиш баракадир, аҳлоқсизлик — шумликдир, аёл кишига итоат қилмоқлик надоматдир, садақа эса балони қайтарувчидир». Дарҳақиқат етим-есирларга, зориққан, муҳтож кимсаларга хайр-садақа қилиш, уларнинг кўнглини кўтариш инсонийликнинг энг олий сифатларидан биридир. Айниқса, бугунги ўтиш даврида хайрли ишларнинг йўлга қўйилиши одамлардаги меҳр-мурувват, саховат ва шафқат ҳисларининг уйғунлашувидан дарак беради десак янглишмаймиз. Шу маънода Самарқанд вилоят ижтимоий таъминот бошқармасига қарашли Ургут туманидаги «Мурувват уйи»да амалга оширилаётган хайрли ишлар ушбу масканда кўнглида эзгулик жўш уриб турган инсонлар хизмат қилаётганидан далолат беради.

Муқаддас китобларда таъкидланишича, ғарибу нотавон кишилар кўнглини обод қилмоқнинг савоби салкам ҳаж зиёратига тенгдир. Айни пайтда «Мурувват уйи»да 190 нафардан зиёдроқ қаровчиси йўқ, ўзгалар меҳр-муҳаббатига муҳтож бўлган инсонлар истиқомат қилмоқда. Бу ерда улар ўзларини ёлғиз ҳис этмасликлари учун барча шарт-шароит яратилган.

— Ёлғизликни ҳеч бир банданинг бошига солмасин экан, — дейди «Мурувват уйи» раҳбари Бахтиёржон Ҳолиқов. — Аҳил жамоамиз буни яхши тушунадилар. Бу ерда истиқомат қилаётган кексаларга ўз яқинларига қарагандек қарайдилар.

Ҳозир ҳудудимизга қарашли каттагина боғни парвариш қилиб, кўнгилочар ҳиёбонга айлантиряпмиз. Токи унда сайр қилган одам бир зум бўлса-да бу дунё ташвишларидан фориғ бўлсин. Қолаверса, мавжуд ошхонани қайта таъмирлаб, бир қатор қулайликларга эга қўшимча объектлар ҳам қилмоқчимиз. Ахир савоб кунда керак деб бежизга айтилмаган-ку.

Илоё, шу олий ният, эзгу туйғуни ҳамиша ёдда сақламоқ барчамизга насиб этсин.

**Зокир ЖЎРАҚУЛОВ,**
**Республика Маънавият ва маърифат маркази ходими.**



Боғ доимо дам олувчилар билан гавжум

*1996 йил —Амир Темур йили*

# ОЛТИНИСАН ОЙ ЭЛНИНГ

(Боши ўтган сонларда)

### 10. КОКИЛДОР ОТА

Кокилдор ота мақбараси XVI аср иншооти — Тўронда илм-фан, меъморчилик гуллаган давр ёдгорлигидир. Мақбара ҳозирги кунда хароб аҳволда. Ҳовлисини ўт-ўлан, тикон босган.

У тузилиши, услуби билан Султон Саодат мажмуаси мақбараларидан тубдан фарқ қилади: пештоқларидаги қуйма ганч шакллар бир-биридан гўзал, шифтларда кўп қиррали юлдузлар тасвири акс этган; марказий хона ёнида иккита даҳлиз мавжуд, уларнинг ҳар иккиси иккитадан хонага бирлашган. Чап томондаги эшик бурчагида панжа изи — беш бармоқ ўйиб ишланган.

Ярим вайрона мақбарага қараб хаёлга чўмаман: қаерда инсон боши узра ёмонлик қора чодир ёзди, қаерда инсон бошида зулм калтаклари синди, ўша ерда тил ҳам, дил ҳам вайронага айланди. Кокилдор ота мақбараси ўз пайтида нақадар фусункор бино бўлган: олд айвон пештоқидаги ярим гумбаз, қуббасимон безаклар, тўғри тўртбурчак, беш қиррали токчалар... бари гўзал, бари бекиёс! Эҳ-ҳе, бу муҳташам мақбарани бунёд этиш учун меъмор неча тунларни бедор ўтказган! Кошинкорлар кеча-кундуз тинмаганлар. Катта-катта учоқларда бугун дунёни ҳайратга солиб турган, сувда, қорда эримайдиган, ҳар қандай коррозияга чидамли ғиштлар пишган.

Қайсидир ғарб ёзувчисининг Шарқ мақбараларининг ғиштлари сомонлой билан терилган, деган сўзларини ўқиганимда, ўша асардан бутунлай ихлосим қайтган эди. Шуни тўғри ёзмабдими, қолганига ишонмасаям бўлади, деганман. Бугунги кунда ҳам ҳар сафар кўҳна биноларни томоша қиларканман, уларда ишлатилган қоришма ҳақида билгим келади: у қандай бирикмаларда тайёрланган? Ҳозирги цемент қоришмалардан ўта пишиқ ва сифатли эканлигининг сабаби нимада?

Ёшлигимизда бир билағон акамиз: «Амир Темурдан қўрққани учун одамлар ўта жиддий ишлашган», деган гапни айтганди. Ҳозир шу чўпчакни эсласангиз, кулгингиз келади. Киме илми бўлмаган жойда ҳар қандай зулм билан бундай ишни амалга ошириб бўлмайди. Амир Темур эса зулмга эмас, илмдорларнинг тажрибасига, маҳоратига суянар эди. Қолаверса, бу санъат ундан олдин ҳам мавжуд эди. Фақат бу инсон Сизу бизни ўйлаб, илм ва ҳунарманд аҳлини бир жойга тўплаб, уларни яхши ичириб, яхши кийдириб, буюк иншоотлар бунёд этиш мактабини қайта жонлантирган эди. Кокилдор ота мақбараси ҳам ана шу мактаб давомчиларининг меҳнат маҳсули — улкан мўъжизаси эди. Нечун биз уни ҳеч бўлмаса шу ҳолича сақлаб қолишга ҳаракат қилмаслигимиз керак?!

Мақбара ҳақида маълумот жуда оз. Кокилдор ота тўғрисида эса деярли ҳеч нарса билишмайди. Биз фақат бугун учун яшамаймиз. Келажакдаги сўроқларга нима деб жавоб беришимиз ҳақида ўйлаяпмизми? Ўзини билган халқ илм-фанда ҳам, тижоратда ҳам келажак учун ёрқин из қолдиради. Чунки келажакнинг фахри ўтмишга боғлиқ. Бугун биз қайсидир бир маънода Амир Темур буюк сиймоси орқали жаҳонга танилиб турибмиз. Дунёнинг нариги бурчидаги болакай: «Ўзбекистон қаерда?» деб сўраса, унга: — «Амир Темур юртида!» — деб жавоб берадилар ёки аксинча « — Амир Темур қаердан?» деб сўрашса, — «Ўзбекистон деган мамлакатдан» дея жавоб қиладилар. Бу биз учун фахр эмасми?! Ахир кечагина Америкага борган биродаримиз: — «Ўзбекистонданман десам, ҳеч ким билмади», дея ўсал бўлиб қайтиб келганини кўрганмиз-ку! Дарвоқе, гап кўп, фикрлар бисёр. Аммо биз яхши ният ила Сурхондарё Кокилдор ота юрти дейишларини ҳам истар эдик.

### II. ЁМҒИР КЎЗИ

Биз Сариосиё тумани томон ошиқардик, аммо ҳали олдимизда кўҳна тарихимиз марваридлари сочилиб ётар, улардан кўз юмиб ўтиб кетолмасдик. Ҳаким ат-Термизий мақбараси, Жарқўрғон минораси, Далварзинтепа, Чағониён — улар жуда кўп, жудаям! Уларнинг қайси бирини босиб ўтиб кетиш мумкин! Йўқ, бу асло мумкин эмас. Тарихимизнинг ҳар бир зарраси биз учун жуда азиз! Бизни дунёга мана шу зарлар, зарралар танитади. Шунинг учун ҳам унинг ҳар бир заррасини кўзимизга суртсак арзийди.

Сариосиёга нима учун шошилаётган эдик?

Сафаримиз қариётган, вақтимиз жуда оз қолаётган, қандай бўлмасин кўзлаётган манзилимиз — Шарғун тоғларидаги Чўпдарага боришимиз, Амир Темур қадами теккан жойларни кўришимиз, Саййид Аҳмад эшон ҳақида маълумотлар тўплашимиз лозим эди.

— Улгурамизми? — сўрадим экспедиция раҳбари Фахриддин Ашрафхўжаевдан.

— У ерга албатта боришимиз керак, — деди у киши, — ҳали у томонларга ҳеч ким бормаган, қолаверса, Саййид Аҳмад эшон ҳақида, у киши билан Амир Темурнинг учрашувлари тўғрисида ҳеч нарса билмаймиз.

Экспедиция раҳбарига ҳам қийин эди: турли ташкилий ишлар — озиқ-овқат, ётоқ, автобусга бензин дейсизми, хуллас ҳар қадамда бир муаммо пайдо бўлиб турар, буларни ўз пайтида ечмоқ, ҳал этмоқ лозим эдики, бунда тадбиркорлик ва уқув билан иш қурилмаса, муаммолар устига муаммолар пайдо бўлиши аниқ эди.

**Тўлқин ҲАЙИТ**

**(Давоми бор).**



Жарқўрғон минораси

